

ISLAMONLINE.UZ

adabiyot



Мусанифни васиятлари



«Саботул ожизин»ни эътикод масалаларини баён килувчи акоид китоби, дедик. Пайгамбаримиз ва у зотнинг издошлари хаётида кечган ибратли тарихий воқеаларнинг

манзума-хикоятлар шаклидаги баёнига кўра бу асарни кайсидир даражада хикмат ва сийрат китоби ҳам дейиш мумкин. Лекин «Саботул ожизин»даги бевосита акида масаласига багишланган манзумалар бўладими ёки муножот, хикоят, насихатлардан иборат қисми, ҳар бўлим сўнггида Сўфи Оллоёр ўзни шундай маломат қиладик, бу оғрик энг ичкаридаги, деяри ўлиб бўлган хужайраларгача етиб боради, гафлатни қувиб, хушёр тортасиз. Бутунича олганда, китобнинг умумий таъсир йўналишини белгилаган бу рух ҳар бир мавзунинг хулосаси ўларок, бўлимдан-бўлимга ўтиб, узлуксиз давом этади. Аслида, «Саботул ожизин»ни асрлар давомида хосу авом ўртасида оммалашувига сабаб бўлган, кўлдан-кўлга ўтиб ўқиладиган суюкли китобга айлантирган хусусият ҳам шу бўлса керак. Агар бу рост бўлса, «Саботул ожизин»ни нафакат акида ё сийрат китоби, балки том маънода, «ўзни маломат қилиш китоби» десак, адашмаган бўламиз. Айни рух мазкур «Мусанифни васиятлари» бўлимида авж нуктага кўтарилган:

Ман ўлсам, эй жамиъи махрами роз,
Мани ўзга ўлукдек қилманг эъзоз.
Ҳасу хор устига ташлаб тутинг хор,
Бахойим жисмидек мандин хилинг ор.
Бўсагоустига ташлаб танамни,
Кафан айланг чурук пироханимни.

Эй, менинг сирларимга махрам бўлган барча яқинларим! Қачон дунёдан кўз юмсам, мени бошқа ўлганларни иззатлагандек эъзозламанг. Балки жасадимни ҳасу тиканлар устига ташлаб хорланг, хайвонлар жасадидан жиркандек менга яқинлашишдан ор этинг, жасадимни остонага улоқтириб, йиртилиб увадаси чиккан кўйлагимни кафан қилинг.

Наким киргану чикгон тепсун ўтсун,
Мазаллат гарди хокин сепсун ўтсун.
Манго хайф этмангизлар тутмагон бўз,
Агар чандики мардум қилсалар сўз.
Юборинг тез боратургон йўлимга,
Мабодо қолмагайсиз шумлугимга.

Мендек гунохкорнинг остонада ётган жасадини кирган-у чиккан босиб-тепкилаб, хорлик тупроғини устимга сепиб ўтсин. Гарчи одамлар айб санасада, мендек итоатсиз қул учун тутилмаган, янги бўз матони хайф этиб, кафанлик қилманг. Мен қаби исёнкорни борадиган охирги манзилимга тезроқ жўнатинг, мабодо шумлигимга қолиб, сиз бирор ёмонлик етмасин.

Кўзунгиздин чикорманг катрайи ёш.
Жанозам оркасидин отингиз тош.
Оёгимдин тутиб судранг лахадга,
Научун килмадинг куллуқ Ахадга?!
Кўзумнинг сувратин вайрон этинглар,
Каро туфрок ила яксон этинглар.

Кўзларингиздан бир катра хам ёш чикмасин, мен учун йигламанг, балки тобутим оркасидан тошлар отинг. Эй гунохкор кас, нега бу дунёда ёлгиз Яратувчинг бўлган Оллохга бандалик килмадинг, тоат-ибодатдан чекиндинг деб, оёкларимдан судраб, лахадга тикинг. Оллох манъ этган нарсаларга караган кўзларимга кора тупрокларни сочиб, уларни вайрон ва яксон этинг...
Сарсар нафсга аёвсиз ёгдирилган маломат ўкларининг кескинлиги, байтдан-байтга кучайиб борган аёвсиз тахкир охангги шу ўринда бироз юмшаб, ожизликка йўл очилади, тинимсиз таранглиқдан холдан тойган рух заифлигини бўйнига олиб титрайди:

Агар чандики ман бўлсам гунохкор,
Дуову зорига сизлар бўлинг ёр.
Дейингиз: «Парвардигоро, Кирдигоро,
Рахимо, магфиратлик Биру боро.
Олиб келдук Санго кочгон кулингни,
Хатолар бобини очгон кулингни.
Келибдур, хийласи йўқдур кетарга,
Тили йўқдур бу кулниузр этарга.
Гунохи кўп, бокар рухсораси йўк,
Бўйинсунмоқдин ўзга чораси йўк.
Агар берсанг жазо, кодир Худосан,
Вагар афв айласанг, Сан подишосан.

Эй якинларим! Гарчи мен бошдан-оёк гунохга ботган бир банда бўлсам-да, бу бечора бандадан дуо-ю зорингизни аяманг ва айтинг: «Эй Парвардигор, Яратувчи Эгам, гунохларни кечиргувчи, бандасига меҳрибон якка-ю ёлгиз Зот! Мана Сенинг кочган, хатолар эшигини очган кулингни олиб келдик. Мана, кулинг хузурингда турибди, энди кочай деса, на хийласи, узр айтай деса, на тили бор. Гунохи шу кадар кўпки, юзланиб карашга бети йўк, лекин бўйинсунишдан дошка чораси хам йўк. Агар бу кулингга жазо бераман десанг, Ўзинг хамма ишга кодир Зотсан, аммо уни афв этсанг, Ўзинг барча хукм ихтиёрида бўлган Подшоҳсан.

Илохи, барча отинг хурматидин,
Ариг зотинг, сифотинг хурматидин,
Бу кочгон бандага килгил тараххум,
Агарчи килди куллуқ риштасин гум.
Мухаммад отли дўстунг хурматидин,
Насиб эт охиратнинг рохатидин.
Хама ўтган расулинг хурматидин,
Жамиъи яхши куллар хурматидин.
Агар чандики, бандангдур бад афъол,
Рахи исёна савби магфират сол.

Илохим! Барча Исминг, пок Зотинг ва сифатларинг хурмати ҳаққи, бу кочкан бандангга раҳм айла, гарчи у бандалиқ риштасини узиб, тоат-ибодат имконини бой берган. Ўзинг Каломингда «Мухаммад» деб исм берган суюқли дўстинг ҳаққи хурмати, бу бандангга охират рохатини насиб эт. Гарчи бу банданг канчалиқ ёмон феъллик бўл-са ҳам, ўтган барча пайгамбарларинг, барча солих кулларинг ҳаққи хурмати, хато-ю гуноҳлар юзига магфират чодирини ёп.

Мухаббат ахлининг асрори учун,
Рахи зарду дили хунбори учун.
Газо килгон эранлар жони учун,
Шахидларнинг муборак кони учун.
Улугларнинг соқоли оқи учун,
Йигитларни дили муштоқи учун.
Ожузларни оқаргон боши учун,
Етимларни кўзини ёшиучун.
Шикаста беваларни дарди учун,
Асир халқини охи сарди учун.
Агар чандики, йўқ илгинда ҳеч шай,
Бу кочкон кулни расво килма, ё Хай!»

Эй ҳамиша барҳаёт Зот! Гарчи ҳузурингда турган бу бангдангнинг кўлида гуноҳларидан бошқа ҳеч вақоси бўлмаса ҳам, мухаббат ахлининг сирлари, уларнинг саргайган юзлари, қон бўлган диллари ҳаққи хурмати, бу кочган кулингни расво килмагил! Газотга қирган эр инсонларнинг жони, шахидларнинг тўқилган муборак кони ҳаққи хурмати, ёши улугларнинг оқарган соқоли, ёш йигитларнинг шавқ-у иштиёққа тўла қалблари ҳаққи хурмати, соқлари қировга айланган момоларнинг боши, етимларнинг аччиқ кўз ёши ҳаққи

хурмати, кўнгли синик беваларнинг ичини куйдирган дардлари, туткунликда эзилган асирларнинг ох-у фиғонлари ҳаққи хурмати, бу кочган кулингни шарманда қилма!»

На бўлгай бу дуолардин Худойим,
Бу кочкон бандага ўткай жаройим.

Эй яқинларим! Сизларнинг қилган дуоларингизни меҳрибон Оллоҳим ижобат этиб, бу кочган банданинг гуноҳларини кечирса, қандаям саодат..!

Сўфи Оллоёр
"Саботул ожизин" шарҳи Равойихур Райхон китобдан
Рашид Зоҳид